

Омонатнинг кўтарилиши

05:00 / 03.03.2017 3790

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга икки ҳадис айтдилар. Бирини кўрдим. Иккинчисига интизор бўлиб турибман. У зот бизга омонат инсон қалбининг аслида нозил бўлганини, сўнгра уни Қуръондан ва суннатдан ўрганганлари ҳақида ҳадис айтдилар. Ва у зот бизга унинг кўтарилиши ҳақида ҳадис айтиб:

«Киши бир ухласа, омонат унинг қалбидан чангаллаб олинади. Унинг изи худди қора нуқтанинг изи каби бўлиб қолади. Кейин яна бир ухласа, яна чангаллаб олинади. Унинг изи худди қавариқнинг изи каби бўлиб қолади. Сўнг оёғингга думалаб тушган чўғдан чиққан пуфакка ўхшайди. Шишиб турадию, ичида ҳеч нарса бўлмайди. Одамлар савдо-сотик қиладилар, аммо уларнинг ичидан омонатни адо қиладиган бирорта ҳам йўқдек. Бани Фулонда битта омонатли одам бор эмиш, дейиладиган бўлади».

Бир киши ҳақида, қандоқ ҳам ақлли киши, қандоқ ҳам зариф киши, қандоқ ҳам кучли, чидамли киши дейилади, аммо унинг ачитқининг уруғича ҳам иймони бўлмайди», дедилар.

Батаҳқиқ, бошимга бир замон келди. Энди мен ким билан савдо-сотик қилганимга аҳамият бермайман. Авваллари агар у мусулмон бўлса, уни Исломи қайтарар эди. Агар насроний ёки яҳудий бўлса, уни иккисидан бири (валийси ёки жиячиси) қайтарар эди. Аммо бугун фалончи ва фалончилар билангина савдо-сотик қиламан», деди».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Охирги фақрадаги жумлалар Ҳузайфа розияллоҳу анҳунинг гапларидир. У киши Пайғамбар алайҳиссаломдан омонат нозил бўлиши ҳақидаги биринчи ҳадиси шарифни кўриб, омонат кўтарилиши ҳақидаги иккинчи ҳадиси шарифнинг ҳам воқеъликда бўлишини кутиб турган пайтларида шуларни айтган эканлар.

Дарҳақиқат, Иломнинг аввалида ҳамма Қуръон ва Суннатга амал қилиб турган бир пайтда мусулмон уммати омонат бобида инсониятнинг хаёлига ҳам келмаган мўъжизаларни кўрсатган. Аммо минг афсуслар бўлсин, бу

уммат Қуръон ва Суннатдан, шариатдан узоқлашиши оқибатида бу фазлини ҳам йўқотиб бормоқда.

Ҳар бир мусулмон, зоҳид, обид ва солиқ омонатга хиёнат қилишни хаёлига ҳам келтирмаслиги зарур.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Қачон омонат зое бўлса, қиёматни кутавер», дедилар.

«Унинг зое бўлиши қандоқ, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди.

«Қачон иш ўз аҳлидан бошқага топширилса, қиёматни кутавер», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан омонат нафақат савдо-сотиқ ёки молиявий нарсаларда, балки, маънавий соҳада ҳам, жумладан раҳбарлиқ ишбошилиқда ҳам бўлишини англаб оламиз.

Уламоларимиз ишнинг ўз аҳлидан бошқага топширилишини, дин ва дунё ишларида мазкур ишлардан хабарсиз, мутахассис бўлмаган кишиларнинг уларга бош бўлиши, деб таъвил қилганлар. Дарҳақиқат, диний илмларни пухта ўтганиб, ҳар илмнинг ўз олимидан ижозат олмаган кимсалар диний ишларга бошчилик қилсалар, билмасликлари оқибатида қиёмат бўлишини кутаверадиған нарсаларга қўл урганликлари тажрибадан маълум. Албатта, бундоқ нарсалардан эҳтиёт бўлмоқ лозим.